

**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган тегишли вазифалар ижроси бўйича 2021 йил давомида амалга оширилган ишлар юзасидан**

**МАЪЛУМОТ**

Т/р банд	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молия лаштириш манбалари	Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа	Бажарилган ишлар, тайёрланган ҳужжат лойиҳаси (кимга, қачон киритилган, хат рақами ва санаси)
<b>IV. ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ</b>							
<b>4.5. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш</b>							
227. банд	Чет тилларини ўқитиш тизимини такомиллаштириш.	2021 йил 1 май	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази	-	-	<p><b>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</b></p> <p>Лойиҳада: чет тилларидан бакалаврият йўналишидаги кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш; чет тилларидан тан олинган халқаро сертификатларнинг рўйхатини қайта кўриб чиқиш; босқичма-босқич чет тили (инглиз, француз, немис, рус) фанларидан мактаб дастурларини қайта кўриб чиқиш ва замонавий дарсликларни яратиш; хориждан инглиз ва рус тили ўқитувчиларини жалб қилиш назарда тутилади.</p>	Мазкур банд ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 19 майда ПҚ-5117-сон қарори қабул қилинди.

**IV. ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**4.5. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш**

235. банд	2021/2022 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган <b>200 нафар ёшлар учун Президент грантини жорий этиш.</b>	2020 йил 1 апрель	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт вазирлиги			<p align="center"><b>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</b></p> <p>Лойиҳада: Президент гранти соҳиби бўлган талабага ўқишни битиргунига қадар амалдаги Президент стипендияси миқдорига тенг бўлган Президент гранти стипендиясини тўлаш; ўқув семестри якуни бўйича барча фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичи “аъло” баҳо бўлиб, битта фандан ўзлаштириш кўрсаткичи “аъло” баҳо бўлмаганда, ушбу тоифадаги талабаларга келгуси семестрлар мобайнида Президент гранти стипендияси берилмаслиги; ёшларда ўз устида мустақил ишлаш кўникмаларини ҳосил бўлишини қўллаб-қувватлаш назарда тутилади.</p>	Мазкур банд ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон “Республикаси Президентининг Республика олий таълим муассасаларига талабалikka қабул қилинган иқтидорли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 6 июлда ПҚ-5172-сон қарори қабул қилинди.
--------------	---	-------------------	---	--	--	--	---